Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

№20 (5617).
Баҳоси: обунага 16 тийин, сотувда 60 тийин.

МАҲОРАТ—МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида республика Педагогика жамиятининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Анжуманни Педагогика жамияти раиси Б. Мирзааҳмедов очди.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишда олий ва умумтаълим мактаблари ҳамкорлиги масаласи юзасидан Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаевнинг маърузаси тингланди. Жумладан, у таълим тизимини янги босқичга кўтариш, педагогларни ижодийликка йўллашга қаратилган тадбирлар, олий ва умумтаълим мактаблари дастурларини мувофиқлаштириш, талабаларга билим беришда назария билан амалиётни уйғунлаштириш, ўқитувчининг касб-маҳоратини ошириш каби масалаларга тўхталди.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ж. Халилов ўзига хос ўқув-кўргазма қуролларининг кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Педагогика жамиятининг қўшма қарори бажарилиши ҳақида ахборот берди.

Пленумда педагог олимлар, олий илмгоҳ ректорлари, халқ маорифи ходимлари ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Асосий эътибор мактаб ва олий илмгоҳ ҳамкорлиги ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш каби масалаларга қаратилди.

Маърузаларда таъкидланганидек, ўқитувчи маҳорати, мактаб ва олий таълим ҳамкорлиги — таълим-тарбия соҳасидаги асосий омиллардир. Аммо шу омилларнинг илдизини қувватлантириш учун эътиборни нималарга қаратиш лозимлигини эса эсдан чиқардик. Бундан иккиуч йил илгари мактабларни демократиялаштириш ғояси илгари сурилган эди. Аҳвол ўнгланиш ўрнига бу борада кетма-кет янглишишлар юз берди.

Эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Байроқни ишнинг кўзини биладиган тадбиркорларга топширсак, ҳеч қачон ютқизмаймиз. Чунки демократия ва мустақиллик шароитида кўпгина юмушлар раҳбарнинг ишбилармонлигига, лаёқатига ҳам боғлиқ бўлиб қолаверади.

Айни кунда педагог олимларимиз: муаллимларни тайёрлаш концепцияси ўзгарди, олий илмгоҳларни битирганларга сен фақат ўқитувчисан деган тамға босилди, демоқдалар. Ваҳоланки, улар бирон-бир яхши ташаббус билан чиқаётганлари йўқ. Педагогикадаги янгиликлар кўзга ташланмаяпти. Тан олиш керак, олимларимиз хаёлида миллий мактаб, келажак ўқитувчиси, халқ педагогикаси методологияси ҳақида умумий тасаввур бор, бироқ уни қоғозга тушириш қийин кечмоқда. Нима учун? деган ҳақли савол туғилиши табиий. Чунки биз соддаликдан мураккаблик томон юрмаяпмиз. Ҳали-ҳанузгача устоз-шогирд методикаси, жадидлар мактаби методикаси, қадимги мадрасаларда неча соат дарс, қайси фанларнинг ўқитилгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасак-да, халқ тарбияшунослиги хусусидаги гапларни баён этиб чарчамаяпмиз.

Энди таълимдаги барча камчиликларни мактабнинг ўзига тўнкаш тўғри бўлмайди. Ҳозир илм масканлари таълим-тарбия соҳасида олий илмгоҳлардан ўзиб кетмоқда. Мактаб ўқитувчиси ўз дастурига эга.

Сўзга чиққанларнинг баъзилари ўзлари орттирган тажрибалар ҳақида ҳам фикр юритдилар. Мисол учун:

— Айни кунда мен ўз дастурим, ўз иш услубим билан фаолият кўрсатмоқдаман, — деди Самарқанд вилояти «Ўқитувчи-91» кўрик-танловининг ғолиби Акром Суюнов. — Ўқувчиларим — менинг ижодимдир. Улар билан ишлаганимда янгидан-янги дарс услублари пайдо бўлади... Ўрта умумтаълим ва олий таълим ўртасидаги жиддий ҳамкорлик эса биз ўқитувчиларнинг азалий орзуимиз эди.

Шунингдек, Наманган вилояти Чортоқ шаҳридаги 3-ўрта мактаб раҳбари Б. Азимовнинг илм масканида тажриба-синов тариқасида ташкил этилган, табақалаштирилган синфлар ҳақидаги маърузасини тинглаганимизда ҳам умумий таълимда амалга ошириладиган ўзгаришларнинг моҳият ва мазмуни жамиятнинг инқилобий янгиланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигига амин бўлдик.

Янгиланиш даври барча педагогларнинг, олимларнинг ташаббус билан чиқишини кутаётир. Демак, олий мактаб қошида илмий марказлар барпо этиш, вазирликда умумий ўрта таълим бошқармаси ва олий таълим бошқармаси ўртасида боғлиқликни таъминлайдиган мувофиқлаштириш кенгашини тузиш, Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот олий билимгоҳини ягона илмий марказга айлантириш биринчи галдаги вазифалардандир.

Пленум халқ таълимини янги босқичга кўтаришда «Ким қандай ҳисса қўша олади?» каби саволлар маҳмуини ечишга имкон яратди. Пленум ана шу жиҳати билан бошқа анжуманлардан фарқ қилди.

Пленум сўнгида Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев якуний нутқ сўзлади.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Тасвирларда Ўзбекистон Педагогика жамияти пленумидан лавҳалар акс этган.

Суратларни **А. МАМАДАМИНОВ** олган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВга МАКТУБЛАР

Шу йил 16 январь куни талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа республикамиз аҳлини қаттиқ ранжитди. Ўзбекистон жумҳурияти мустақилликка қадам қўйиб, нурли келажак сари аниқ режалар билан интилаётган, бу йўлда истиқболини белгилаб олаётган бир пайтда талаба ёшларнинг хаёлини чалғитиш йўли билан айрим нобоп гуруҳлар томонидан уюштирилган тартибсизликлар кўпчиликнинг қалбини ларзага солди, каттаю кичикда нафрат уйғотди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов бу кутилмаган воқеадан ҳаммадан кўп изтиробга тушди. Талабаларнинг беихтиёр билибми-билмай, кўпчилиги истамаган ҳолда, ғалағовурга аралашиб қолганлигини, бу ишда уларнинг айби йўқлигини бир неча марта таъкидлаш билан бирга, уларни оғир жиноятга аралашиб қолмаган бўлса жазоламаслик, келажагимиз бўлган ёшларни жувонмарг қилмаслик, ота-оналари, қариндош-уруғларини ҳижолат ва изтиробга қўймаслик ҳақида қонун пешволаридан илтимос қилди. Бир меҳрибон она саммимият, шафқат, инсоний дард билан юрак-бағри ачиб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Бу ҳолатни кўрган фуқаролар узоқ-яқин вилоятлардан Президентимиз Ислом Каримов номига меҳр-муҳаббат тўла мактублар йўллашиб, бўлиб ўтган воқеаларнинг қайта такрорланмаслигига ишонч билдирмоқдалар.

Қуйида Президентимиз номига келган мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

* * *

Ассалому алайкум, ҳурматли Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов! Соғлиқларингиз, ишларингиз яхшими? Телевизорда гапирган гапларингизни эшитиб, Сизга бўлган меҳрим яна ҳам ошди. Худо Сизга доим мададкор бўлсин. Ўйлаймизки, халқимиз Сизни тўғри тушунади. Вақтинчалик бўлиб ўтган тўполон энди ҳеч қачон такрорланмайди. Сиз ҳафа бўлманг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Биз болалар учун, мустақил Ўзбекистонимиз учун Сиз жуда кераксиз. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Сизнинг соғлиғингизни тилаб **11 ёшли 5-синф ўқувчиси Жўраева Нилуфар.** Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги 47-мактаб.

* * *

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Жамоамиз Сизнинг ҳамма чиқишларингизни ойнаи жаҳонда ёки учрашувлардаги нутқларингизни эшитиб, ўқиб, тинглаб боришади. Айниқса, бизни ларзага солган, ташвишлантирган воқеа — бу талабалар шаҳарчасидаги нохушликдир. Биз ойнаи жаҳондаги нутқингизни эшитиб, кўзларимиздан шаш қатор ёшлар тўкилди. Сизнинг кўзларингизда халқа-халқа ёш томчилари айланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Азиз инсон Ислом Каримов! Сизнинг юракдан, виждондан айтилган сўзларингиз бизларга нидодек туюлди. Сиз халқ учун, она-Ватан ва унинг истиқболи учун курашаётганингизни, тинимсиз меҳнат қилаётганингизни ҳаммамиз юракдан ҳис қиламиз ва тан оламиз. Аммо айрим иллат қидирувчилар билишмайдими? Бизнинг фикримизча, улар ҳам билишади. Аммо она-Ватан мустақиллигини кўролмайдилар. Мустақиллик ва осойишталигимизни, якдиллигимизни кўролмаганларнинг кўзлари кўр бўлишга, қулоқлари кар бўлишга лойиқдир.

Келинг, юртдошлар, ватандошлар: зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар ва талабалар, виждонимизни ўртага қўйиб, она-Ватан тақдирини ўйлаб, покиза фикр юритайлик. Яқиндагина мустақиллигини қўлига олган Ватанимизни парвариш қилайлик. Унга гард юқтирмайлик. Мустақиллигимиз, эркимизнинг илдизи мустаҳкам, парвози баланд бўлсин. Дунёга танилайлик, Ватанимиз ва халқимиз ўзлигини намоён қилсин.

Ҳурматли Ислом Каримов, яна бир бор она-Ватан мустақиллиги йўлидаги курашингизда Сизга ва Сиз билан бирга маслакдош иш юритаётганларга соғлиқ-саломатлик, ишларида омад, бахт тилаймиз.

Тошкент ноҳиясидаги 4-мактаб ўқитувчилар жамоаси.

* * *

Ҳурматли Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов! Сизнинг 16 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар ҳақида Тошкент жамоатчилиги йиғилишида сўзлаган нутқингизни эшитиб ниҳоятда ҳаяжонландик. Уша тўқнашувни ташкил қилган кишиларга нисбатан бизнинг Жиззах шаҳар 12-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси ниҳоятда ғазабланди. Сизни Президентқилиб халқ сайлаган. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан оқилона олиб бораётган ишингизни юз фоиз маъқуллаймиз. Ҳозирги кунларнинг оғирлигини тушунамиз. Бундан ҳам ёмон кунларни кўрганмиз. Лекин талаба ёшларнинг билиб-билмай тўполонга аралашиб қолувини маъқулламаймиз. Биз бир нарсага ҳайронмиз. Олийгоҳлар раҳбарларининг кўзи қаерда экан? Бизнингча, уларнинг ҳаммасидан хабари бор. Олийгоҳ ректорлари Эркин Юсупов ва Эркин Шайховлар қаёққа қараяптилар? Ўқитувчилар жамоамиз аъзоларининг ҳар бирининг оилаларида 7-8 нафардан бола-чақаси бор. 450—500 сўм маош билан ишлаб, вазиятни тушунган ҳолда биз чидаб турибмиз-ку! Ҳурматли Ислом Каримов, Сиз бардам бўлинг. Профессор-ўқитувчиларнинг ойлигини ҳозир 5-6 баравардан оширсангиз ҳам улар эртага Сиздан яна бошқа нарса талаб қилиши мумкин.

Жиззах вилояти 12-мактаб ўқитувчилари жамоаси.

* * *

Президентимиз И. А. Каримовнинг бутун республикамиз аҳолисига, айниқса, биз ўқитувчи-зиёлиларга қарата қилган мурожаати билим даргоҳимиз жамоасини бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Оғир дамларни бошимиздан кечираётган бир пайтда мустақил жумҳуриятимизда осойишталик сақланиб келаётганидан ўзимизга далда бериб, худога шукрким, бошқа республикалардагидек бизда нотинчлик йўқ, деб қувонганмиз. Аммо Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган талабаларнинг 16 январь куни тутган йўллари ва шунинг оқибатида инсоннинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган воқеалар бутун дилимизни ларзага солди.

Тўғри, халқ орасида норозичилик бор. Лекин буни тинч, келишув йўли билан, вакиллар учрашуви орқали ҳал қилса бўларди.

Президентимизнинг шу йилнинг учинчи фаслигача сабр-тоқат қилишимизга даъватини ички бир ҳис билан қабул қилдик. Шунга амин бўлган ҳолда осойишталикни сақлашга сўз берамиз.

Ҳокимиятимизга, Президентимизга қарши йўналтирилган ҳар қандай ташвиқотларга берилмаймиз ва бундай нохушликларнинг келиб чиқишига қарши курашамиз. Зиёлиларни, ишчи-хизматчиларни, талабаларни ақл-заковат билан иш тутишга, ҳушёр бўлишга чақирамиз.

Ўйлаймизки, республикамиз Президенти ўзи чиқарган фармонларнинг тўлиқ бажарилишига эришади ва сўзининг устидан чиқиб, халқ учун кўпгина енгилликлар яратади.

Жамоамиз ўқитувчиларининг кўпчилиги хотин-қизлар бўлганлиги сабабли улар она сифатида беғуноҳ ҳалок бўлган Санжар Ражабовнинг онасига, қариндошларига ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқатли бўлишга чақиради.

Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳиясидаги 15-мактаб жамоаси.

ВИЛОЯТ УСЛУБИЯТ МАРКАЗИ

Фан-техника, маданият, санъат, маориф ва бошқа соҳалар кун сайин янгиланиб бораётган бир пайтда ўқиш, ўрганиш, билимни бойитиб бориш, малакани ошириш кундалик эҳтиёждир. Қашқадарёда фаолият кўрсатаётган вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш билимгоҳи ўқитувчиларга ана шундай маънавий озиқ берадиган знё масканларидан биридир.

Айни вақтда билимгоҳда яхши жиҳозланган 21 кабинет бўлиб, 85 ходим самарали меҳнат қилаётир.

Булардан 8 нафари фан номзоди, 50 киши эса илмий-педагогик ишга ихлос қўйган ўқитувчи-методистлардир.

Ҳозирги кунда 879 мактабда 31616 ўқитувчи ишламоқда. 110 та мактабда мактабларо метод бирлашма ташкил этилган. 198 та илғор тажриба мактаби ҳам ишлаб турибди.

345 нафар ўқитувчининг илғор педагогик тажрибаси ўрганилди ва оммалаштирилди. Бу муҳим ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишда ҳам мазкур малака ошириш илмгоҳининг ҳиссаси катта бўлаётир. Илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштиришда олийгоҳ ходимларидан мактабгача тарбия кабинети мудири Роза Латипова, куни узайтирилган гуруҳ кабинети раҳбари Ҳазратқул Ҳайдаров, электрон-ҳисоблаш кабинети услубчиси Саид Баротов, тарбиявий ишлар кабинетининг мудири Сайфи Насимовлар алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

— Биз ўз ишимизни янги талабларга мувофиқ қайта қурдик, — деб ҳикоя қилади билимгоҳ раҳбари С. Саидов. Шунга кўра, ўқитувчилар ва халқ маорифи соҳаси ходимларининг малакасини оширишни икки йўналишда, яъни кадрларнинг педагогик билимлари, илмий-назарий саияларини оширишга, уларнинг методик маҳоратларини ва малакаларини такомиллаштиришга, шунингдек, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштиришга қаратилгандир. Бу ғоят мураккаб иш бўлиб, жамоадан кўп куч, билим ва маҳорат талаб этади.

Ўтган йили ўқитувчи ва халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига қарийб 6000 киши жалб этилди. Бу вилоятдаги халқ таълими ходимларининг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Қарши давлат педагогика олийгоҳининг ўқитувчиларидан биология фанлари доктори, профессор Ш. Қурбонов, педагогика фанлари доктори, профессор М. Очилов, тарих фанлари доктори А. Мавлонов, техника фанлари номзоди доцент А. Впрдиашвили, филология фанлари номзоди, профессор П. Равшанов, Т. Нафасов ва бошқа кўпгина ўртоқларнинг маърузаларидан тингловчилар мамнун бўлишмоқда.

Ўқитувчилар курс машғулотлари давомида лаборатория ишларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Улар мактабларда бўлиб, илғор педагогларнинг дарсларини тинглайдилар, ўзаро тажриба алмашадилар. Тингловчиларнинг илғор ўқитувчилар, олимлар, шоир, ёзувчилар билан учрашувлари ўтказилади. Бу эса яхши натижа бераётир.

Сўнгги йилда вилоят малака ошириш институти ўқитувчиларга методик ёрдам беришнинг хилма-хил форма ва методларидан ижодий фойдаланаётир. Билим даргоҳида бир неча йиллардан буён ташкил этилган «Илғорлар ташаббуси» деб номланган альбомда ноҳияларда амалга оширилган фойдали методик ишлар жамланиб борилади.

Баҳром УМИРОВ,
жамоатчи мухбир.

ЎҚУВЧИЛАРГА БИЗНЕС ҲАҚИДА

Ўз ишингни қандай уюштиришинг, нимадан бошлашинг керак? — Ҳар қандай ишбилармон ҳам ана шу муаммога дуч келади. Айниқса, тажрибаси бўлмаган ёшлар уни ҳал қилишлари мушкулдир. Республикамизнинг ишбилармон кишилари эндигина вужудга келаётган бизнес тўлқинида уларга ёрдам беришга қарор қилдилар. Ўзбекистон ишбилармонлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг ишбилармонликни ривожлантиришга кўмаклашиш комитети ҳузурида юқори синф ўқувчиларини бизнесга ўргатиш дарслари ташкил этилмоқда. Ингит ва қизлар хўжалик, фуқаролик ҳамда жиноий ҳуқуқларининг асосларини ўрганадилар. Тижорат фаолиятига тегишли қонунлар тўғрисида маърузалар тинглайдилар. Тошкент олий ўқув юртларининг муаллимлари, тижоратчилар халқаро валюта ишларини амалга ошириш, бошқа мамлакатларнинг бизнесменлари билан битимлар тузиш тартиби тўғрисида гапириб берадилар.

— Гуруҳлар тўла тузилиб бўлганидан сўнг машғулотлар бошланади, — дейди комитет раиси Г. Е. Торосов. — Ҳозирча пойтахтимиз мактабларининг юқори синф ўқувчиларигина бизнесга ўрганиш ҳоҳишини билдирдилар.

Мактабларда тўқкизинчи синфдан бошлаб бошланғич бизнес юзасидан дарслар ўтмоқчимиз. Ўшанда ёшларга ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик аттестати билан бирга махсус «тижорат» мактабини тугатганлик тўғрисидаги диплом ҳам берилади.

А. ИВАНОВА.
ЎзА мухбири.

Ҳунар-техника таълими ва бозор иқтисоди

ФАҚАТ ЎЗИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Юзага келган вазият шундайки, давлат бюджети томонидан ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлари учун ажратилаётган маблағлар мазкур ўқув юртларининг нормал фаолият кўрсатиши ва уларни янада ривожлантириш учун етарли эмас. Бунинг учун пул, пул бўлганда ҳам анчагина миқдорда зарур. Улар етарли моддий базани бунёд этиш, ўқитувчиларга дурустгина маош ва ўқувчиларга стипендия тўлаш учун керак.

Ҳа, буларнинг барчаси зарур, лекин маблағни қаердан олиш керак? Ташқаридан кузатиб турган киши учун ҳам бу оддий вазифалардан эмас. Шунинг учун бу вазифа кўплаб билим юртлари директорларини, шу жумладан Х. З. Калонов номидаги олий ҳунар-техника билим юрти директори Т. И. Иноғомовни ҳам ташвишга солмоқда.

— Темур Илҳомович, бозор муносабатларига ўтиш туфайли, эҳтимол, олдинги иш услубларини қайта кўриб чиқишга тўғри келар...

— Ҳа, чиндан ҳам, таълим тизимига анъанавий муносабатлар яхши самара бермай қўйди. Энди янгича, янада юксак савияга кўтарилишимиз керак. Назаримда, биз аста-секин шунга эриша бошладик.

— Бу ҳақда аниқроқ гапириб берсангиз.

— Билим юртимиз асосан ЭҲМ программачиларини тайёрлайди. Бу вазият фаолиятимизга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биринчидан, яхши моддий база керак, яъни қимматбаҳо компьютерлар, бинобарин, аъло даражадаги машиналарни сотиб олмоғимиз лозим. Акс ҳолда ўзимизни тайёргарлик ва таълим бериш савияси юзасидан оқсаб юришга мажбур қилиб қўямиз. Ҳозирги кунда бундай машиналаримиз бор. Иккинчидан, кўпгина ўқитувчилар шартномалар асосида ишлашади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, биз юқори савиядаги ўқитувчини, ҳатто профессорларни ҳам ишга жалб этиш имкониятига эгамиз.

Шуни айтиш керакки, давлат томонидан ажратилган маблағ ҳисобига барча ишни амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун молиялаштиришнинг бошқача манбаларини излаб топиш зарур. Биз бундай маблағни топдик. Олисга бориб юрмадик. Ўз имкониятларимизни аниқлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Ўқув жараёни учун ҳам, шунингдек бошқарув жараёни учун ҳам дастурлар ишлаб чиқиш қўлимиздан келиши аниқланди. Махсус гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳ ана шу масалалар билан шуғулланди.

— Яъни сизлар бошқа ташкилот ва корхоналардан олган буюртмаларни бажариш билан шуғуллангансиз?

— Ҳа, масалан, яқинда вакцина ва зардоб институти учун олинган буюртма ниҳоясига етказилди. Аммо таҳминан 70 фоиз маҳсулот бевосита билим юртининг ўзи учун ишлаб чиқилмоқда.

— Темур Илҳомович, агар мумкин бўлса гуруҳнинг ўзи тўғрисида батафсил гапириб берсангиз.

— Гуруҳ — ўқув юрти бўлинмаларидан биттаси. Унинг таркибида 15 тага яқин ходим бор. Уларнинг аксарияти билим юртимиз битирувчилари. Эндиликда улар олий даражадаги мутахассислар. Мен улар билан шартнома тузганман. Шартномага мувофиқ муайян ҳажмдаги ишлар бажарилади. Маош тўланади ва ҳоказолар. Бу бўлинманинг йиллик пул обороти 1 миллион сўмга яқин. Ишлаб топилган маблағнинг озгина қисми билим юртимиз жамғармасига тушади ва ўқувчилар ҳамда ўқитувчиларга, моддий базани мустаҳкамлашга, янги ишланмаларни молиялаштиришга сарфланади.

— Бу гуруҳ бўлинмаларидан бири деб айтдингиз. Эҳтимол, фаолиятингиз кўлами бу билангина чекланиб қолмаса керак?..

— Биз программачилар гуруҳидан иш бошладик. Кейин, маълум маблағ юзага келгач, илмий-педагогик ишланмалар гуруҳини ташкил этдик. Ҳозирги кунда ходимларимиз республикада ҳунар-техника таълими тизими тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишмоқда. 1991 йилнинг куз ойларида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ишланмаларимиз юқори баҳо олди. Хориждаги шерикларимиз билан шартнома тузиш имконияти туғилди. Ҳозирги кунда битта немис фирмаси билан малака ошириш маркази ташкил этиш ғўғрисида музокара олиб борилмоқда. Австрия фирмалари билан тузилган шартнома «IBM» компьютерларини фақат бизнинг билим юртимизгагина эмас, балки бир қатор бошқа ташкилотларга ҳам етказиб бериш имкониятини яратди.

Хуллас, келгусидаги режаларимиз кўп. Лекин, эҳтимол, бу борада муаммолар ҳам оз бўлмайди. Ишончим комилки, бу муаммоларни ҳал этишга қодирмиз. Бунда фақат ўз кучимизга ишонамиз.

С. ПАК,
мухбиримиз.

ИҚТИДОРЛИЛАР БАҲСИ

Киров ноҳиясидаги 9-ўрта мактабда иқтидорли ўқувчиларнинг жуғрофия фани бўйича учрашуви бўлиб ўтди. Унда ноҳиядаги мактабларнинг ўқувчилари ўз билимини синаб кўрдилар.

Учрашув якунига кўра бир гуруҳ ўқувчилар ғолиб деб топилди. Улар келгусида шаҳар биринчилиги учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

С. СУЛТОНОВ.
Тошкент шаҳри.

НЕМИС ТИЛИ ҲАФТАЛИГИ

Тўрақўрғон шаҳридаги 12-ўрта мактабда немис тили ҳафталиги бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар тил ўрганиш бўйича олган билимларини синовдан ўтказдилар.

Ҳафталикда ўқилган маърузалар орасида шаҳардаги 6-мактабнинг чет тили фани ўқитувчиси А. Хўжаевнинг хорижий тилларни ўрганишнинг нақадар зарурлиги хусусидаги мулоҳазалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталик якунида ўтказилган «Тил билган — эл билади» мавзуидаги учрашув ҳамда 5-9-синф ўқувчилари ижро этган немис тилидаги шеър ва ашулалар йиғилганларда таассурот қолдирди.

Ҳ. МАҚСУДОВА.
Наманган вилояти.

Халқ таълими жонкуярлари

ТАДБИРКОР

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар гўёки раҳбарлик учун туғилгандай. Бундай инсонларнинг феъл-атворида атрофидагиларни бирлаштиришга уриниш, тадбиркорлик, қатъиятлилик, ҳаракатларини муайян мақсад сари йўналтириш каби хислатлар устун туради. Улар билан суҳбатлашганингда, қандайдир ўзига хослик топаверасан...

Чустлик домла Шарифжон Ҳасанов билан илк бор танишганимда, унга нисбатан менда ажойиб фикрлар пайдо бўлганди.

Наманган сафарига борганимда, домлани қидириб топишимга, у киши билан узоқ суҳбат қуришимга алоҳида бир сабаб бор эди. Сирасини айтганда, чустлик шифокор Мирраҳим Мирзаев билан Тошкентда учрашиб қолгандик. Танишим суҳбат орасида:

— Педагог-журналист экансиз, шаҳримиздаги бир олижаноб педагог ҳақида ёзишингизни илтимос қиламан, — деб қолди.

— Сабаб?..

— У киши кўпчиликнинг бошини силаган, маънавий оталик қилган.

— Ёзиш учун бунинг ўзи кам.

Шунда шеригим шошилиб қолди.

— Нима деса бўлади, — деди бироз ўнғайсизланиб, — мен камбағал ўсганман. Домла мени тиббиёт олий илмгоҳида ўқитдилар, уйланишимга бош-қош бўлди. Менга ўхшаганлар эса кўп. Аммо муҳими бу эмас. Домла чин маънодаги раҳбар, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор киши.

Нима ҳам дердик, ҳар кишининг ўзига хос фазилати ва хислати бўлади...

Хаёлимдан ана шундай фикр ўтди.

Гап бошқа масалага уланди. Шифокор ҳамроҳим эса хайрлашув пайтида домла ҳақида яна бир бор эслатди, Чустга таклиф қилди.

Хизмат юзасидан Наманган вилоятига сафарга борадиган бўлиб қолдим. Чуст ноҳия халқ таълими бўлими мудири Райимжон Розиқов билан режадаги ишни якунлаганимиздан сўнг шу ерлик Шарифжон домла Ҳасанов ҳақида у кишидан сўрадим.

— Домла бизнинг устоз бўладилар, — деди мудир мамнуният билан. — Сиз бу одам ҳақида қаердан эшитгансиз?

Бўлган воқеани қисқача айтиб бердим. Шифокор танишим Мирраҳим Мирзаевни эсладим.

— Мирраҳим жуда тўғри гапни айтибди, — деди мудир. — Домла муаллимлик олий илмгоҳини тамомлаганидан кейин ўрта мактабда атиги бир йил болаларни ўқитган. Мана, қариб ўттиз йилдан буён турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келади.

— Домланинг шогирдлари кўпдир?

— Кўп! Улар ноҳиямизнинг турли соҳаларида раҳбарлик лавозимида ишлашяпти.

Биз мудир билан суҳбатлашиб, Ғова қишлоғига йўл олдик. 30 километрча йўл юриб, қишлоққа етиб келдик. Қишлоқнинг қоқ марказида эса сил касалликларини даволашга ихтисослашган мактаб-санаторий жойлашган. Шарифжон домла шу мактабга директорлик қилар экан.

...Шарифжон ака билан шу куни узоқ суҳбатлашдик. Гап асосан домланинг иш фаолияти, мактабда амалга оширилаётган юмушлар хусусида борди. Маълум бўлишича, бу мактаб-интернат 1962 йили Шарифжон ака бошчилигида қурилган экан. Ўқув даргоҳининг катталиги, у ердаги шароитлар кишини лол қолдирадиган даражада.

Мен яна шу нарсани сездимки, Шарифжон ака ўзининг иш фаолияти давомида узоқ йил мактаб-интернат директори, ноҳия матлубот жамиятининг раиси, 13 йил ноҳия халқ таълими бўлими мудири вазифаларида хизмат қилган эканлар.

— Ўқув даргоҳимизнинг майдони 20 гектарни ташкил этади, — дейди Шарифжон домла суҳбат давомида. — Бу ернинг ҳавоси Қрим ҳавоси билан тенг. Табиатимиз, айниқса, ёз ойлари янада чирой очади.

Дарҳақиқат, тархлари боғ-роғларга уланиб кетган Чотқол тоғлари ўз салобати билан гўё қишлоққа, ерликларга таъзим қилиб тургандай туюлади. Мактаб майдонини қоқ иккига бўлиб эса Ғова сойи оқиб туради. 20 гектарлик майдонда мевали дарахтлар экилган. Бу ердан асосан ўрик ва олма ҳосили олинади. Иссиқхонада эса қиш ойларида цитрус мевалари етиштирилади. Биз айнан қишнинг чилласида борган эдик. Иссиқхонанинг ичига кирганимизда дилимиз яйраб кетди. Негаки, унинг майдони хиёл катта бўлиб, ўсимликлар яхши парваришланган, лимонларнинг катталиги ва кўплигидан дарахт шохлари букилиб кетганди.

Мактаб ҳовлиси бўйлаб суҳбатлашиб борарканмиз, домлани турли хил саволларга тутаман. У киши жавоб қайтарар экан, қиёфаси, руҳиятидан қилган ишларидан қаноатланмаслик, шу қатордаозгина мамнунлик аломатлари сезиларди.

— Мактаб неча кишига мўлжалланган?

— 476 болани даволаб, таълим-тарбия берамиз. Бу ерда асосан соф ҳаво билан даволанади. Шароитларимиз ҳозирча дуруст, бизни қаноатлантиради. Овқатланиш ҳам анча кучайтирилган. Болаларга 18 нафар ходим, 13 нафар шифокор қарайдилар. Улар ҳар йили алмаштирилади.

— Баҳорда ва кузда икки ойдан фаол даволаш олиб борилади, — дейди иккинчи ҳамроҳим — халқ таълими бўлими мудири Райимжон ака. — Мактаб бир сменали. Болалар 40 минутдан ўқишади. Ҳар танаффусда бадантарбия машғулотлари олиб борилади. Аслида бу асосий мақсад, яъни ўқитиб даволаш. Мактаб саккиз йиллик, ҳар бир синфда 20-25 нафардан бола ўқийди.

Ўқув даргоҳи ходимлари билан биргалашиб интернатнинг учта салобатли ётоқхонасини, ўқув корпусини кўрдик. Ҳамма жойда озодалик, орасталик. Ўқишлар кабинетлашган тартибда олиб борилади.

Мактабни айланарканмиз, у ерда олиб борилаётган ишларни кўздан кечираман, Шарифжон домланинг раҳбарлик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари, иш услубининг янгича қирраларини қидирардим. Ниҳоят, айрим белгиларни аниқладим ҳам...

— Ҳозир қийинчилик даври, — дейди домла ташвишланиш оҳангида, — атрофда қандай воқеалар бўлаётганидан хабардорсиз. Аммо биз болаларимизни кийим-кечак, озиқ-овқат масаласида сира ҳам қийнаганимиз йўқ. Ўқувчиларнинг 25 фоизига тўлиқ уст-бош берамиз, улар бир кунда ўртача 130 грамм гўшт ейишади. Уларнинг соғлиқларини тиклаш учун қўлимиздан келган ҳаракатни қиляпмиз.

Домланинг «Ҳаракат қиляпмиз» дейишида катта маъно бор. Яъни мактабнинг 20 гектарлик боғида етиштирилган мева-чевалар ўқувчиларнинг ўзига тортиқ қилинади. Мактаб ошхонасига кирганимизда яна бир карра бунинг гувоҳи бўлдик.

— Биз тадбиркорлик ҳақида гапиргандик, — деди ҳамроҳим Райимжон ака. — Дарвоқе, тадбиркорликда гап кўп. Ҳозирги куннинг илғор кишиси ана шу хислати билан алоҳида ажралиб туриши керак. Агар тадбиркор бўлмасангиз, ишда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ҳеч нарсага эришолмайсиз.

— Менимча, Шарифжон домлани назарда тутяпсиз, — дейман йўлда давом этиб.

— Сездингиз, — дейди ҳамроҳим, — домла ҳозир 58 ёшда. Шахсий ҳаётидан ҳеч қачон нолимайдилар. Беш фарзандининг ҳаммасини олий илмгоҳларда ўқитиб, уйли-жойли қилган.

— Мактаб молиявий жиҳатдан ўзўзини таъминлаш, бошқаришга ўтганми?

— Йўқ, лекин бу келажакда режалаштирилган. Ҳозирча давлат бюджети ҳисобига яшайди.

— Сизларга қайси жиҳатидан бўйсунади?

— Ҳудудий жиҳатдан ноҳия халқ таълими бўлимига, қолган барча томондан вилоят халқ таълими бошқармасига бўйсунади.

— Ҳозирча қўл остимизда битта енгил машина, иккита «ЕрАЗ», иккита юк машинаси, иккита трактор бор, — дейди суҳбатимизни жонлантириб Шарифжон домла мамнуният билан. — Шулардан фойдаланиб турибмиз.

Домланинг бу гаплари мени ўйлантириб қўйди. Хўш, бунча машина, хусусан, трактор мактабга нега керак бўлди? Ёзда мактаб ерида ишлаши, мева-чева ташиши мумкин, лекин қишда-чи? Бекор турадими? Очиғини айтганда, оддий қишлоқ мактабининг шунча транспорт воситасига эга бўлишига одамнинг ишонгиси келмайди. Чунки жойларда не-не ўқув даргоҳлари кўп йиллик тарихида битта ҳам машина кўрмай ўтаяпти. Айниқса, халқ таълими бўлимларида ҳам баъзан шундай ачинарли ҳолни учратамиз.

Эҳ-ҳе, «тадбиркорлик» деган сўзнинг маъноси мана шу саволлардан кейин очилди. Домла мени мактаб хўжалигининг асосий жойига олиб бордилар. Ана шу ерда мен халқ таълими учун мўъжиза бўларлик воқеани кўрдим, қулоқ билан эшитдим. Қаранг, мактабнинг 200 та эчкиси, 14 та қорамоли, 50 қути асаларичи бор экан. Хўжаликда 14 ишчи ишлайди. Боғлардан ҳар йили ёз ва кузда ўртача 30 тоннадан ортиқроқ мева олинади. Ўқитувчи ва ўқувчилардан ортса, аҳолига сотилади. Шунингдек, йилига 1,5 тонна асал ҳам мактаб ҳисобига келиб тушади.

Бундан ташқари, мактабнинг жамоа хўжалиги ҳудудида 3 гектар ери бўлиб, у ерда мол-ҳоллар учун тўйимли озуқа экинлари етиштирилади.

Ҳозир мактабнинг томорқадан ишлаб топган 30 минг сўм нақд пули бор. Бу пуллар кўпайиши билан зиҳирада шунча миқдорда олиб қолиниб, қолгани хўжаликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга сарфланади.

Мана шунда тасаввур қилдимки, демак, юқорида санаб ўтганим транспорт воситалари мактаб учун камлик қилиши, уларни тинимсиз ишлатилганида ҳам хўжалик юмушларини бажаришга зўрға улгурилиши мумкин.

Эндиги шароитда ишнинг кўзини билган киши сира кам бўлмайди. Жамиятимизга кўпроқ яратувчи, пухта, тадбиркор раҳбарлар, жамоалар керак. Уларнинг сони қанчалик кўпайса, жамият шунчалик қудратли ва бой бўлиб, тўкин-сочинлик бўлаверади. Қани энди, республикамиздаги барча имконияти бор ўқув даргоҳлари, меҳнат жамоалари Ғова қишлоғидаги бадавлат мактабдан, унинг тадбиркор раҳбари ва жамоасидан ўрнак олишса.

Сафар тугаб, ноҳия халқ таълими бўлими мудири, Шарифжон домла ва мактаб муаллимлари билан хайр-хўшлашдик. Йўлда кетиб боряпман-у, Ғовада кўрган манзаралар кўз олдимдан жилмайди. Тасаввуримда эса тадбиркор, меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган муаллим-раҳбарнинг қиёфаси гавдаланиб турарди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
мухбиримиз.

«БОБУР» ҒОЛИБ БЎЛДИ

Яқинда Шеробод ноҳиясидаги Муқимий номли 15-ўрта мактабда ўзбек адабиётнинг йирик намояндаларидан бири шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилганига 509 йил тўлиши муносабати билан «Ёш китобхонлар» кечаси бўлиб ўтди. Кечада истеъдодли ўқувчилар «Парвоз», «Ёш китобхон» ва «Бобур» командаларига бўлиниб, ўзаро куч синашдилар.

Қизғин тортишувлардан сўнг «Бобур» командасининг қўли баланд келди ва беллашув якунида мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ф. НОРБОЕВА.
Сурхондарё вилояти.

●

БИЛИМ ОЛ, ҲУНАР ТАНЛА!

Қизилтепа ноҳиясидаги Бобур номли ўрта мактабда 505 нафар талаба билим олади. Шулардан 30 фоиз ўқувчи «5» баҳога ўқиётир. Бироқ ўтган ярим йилликда 13 нафар бола фанларни тўлиқ ўзлаштира олмади. Шу муносабат билан ота-оналарнинг катта йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан ўқитувчилар, ота-оналар эндиликда келажакдаги юмушларни мактаб ва оила ҳамкорлигисиз амалга ошириш мумкин эмаслигини гапирдилар.

Йиғилиш охирида 11 «Б» синф ўқувчилари муаллима Ш. Ҳалимова раҳбарлигида «Билим ол, ҳунар эгалла!» деб номланган кўринишни намойиш этдилар.

С. ЭГАМОВ.
Бухоро вилояти.

●

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

Боғот ноҳиясидаги Курчатов номли 4-ўрта мактаб тажриба ер участкасидаги иссиқхонада кўкат, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, кичик хўжалик даромадли соҳага айланаётир.

Яқинда дастлабки маҳсулотлардан тушган даромад иссиқхона қурилишида фидокорлик кўрсатган 28 нафар ўқувчи ҳамда 4 нафар ишчи-хизматчига бўлиб берилди. Эндиликда мактаб жамоаси ёрдамчи тармоқ биноларида қуёнчилик соҳасини ҳам ривожлантиришни режалаштиришган. Улардан тушган фойда эса илм масканн эҳтиёжлари учун ишлатилади.

О. ЮНУСОВА.
Хоразм вилояти.

●

Шунингдек, таҳририятимизга муаллифлардан Д. Суяров, А. Мамажонов, Ў. Ҳотамова, М. Адизова, Л. Исаева, М. Эргашев, А. Биноев, Н. Қосимов, О. Тошев, К. Шуҳратов, А. Маткаримов, Г. Бекжонова, Х. Олимхўжаева, Н. Очилов, Д. Қобилов, У. Тошниёзов, Р. Юнусов, Ҳ. Худоёров, Қ. Отажонова, Н. Қориев, А. Эралиев, М. Аҳмедова, Г. Тўраева, Г. Норқулова, А. Худойназаров, Э.Холмуродов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

АДАБИЁТНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Адабиётнинг янги дастурида ўқувчиларга адабиётдан имкон борича чуқур ва мукаммал билим бериш, сўз санъатидек мўъжизанинг ранг-баранг тармоқларини қамраб олиш мақсади қўйилган. Шунга кўра деярли барча синфларнинг адабиёт дарслари учун халқ оғзаки ижоди, ўзбек классик адабиёти, жумҳуриятимизнинг замонавий адабиёти, шунингдек қардош халқлар ва чет эл адабиёти бўйича мавзулар ҳамда адабиёт назариясидан маълумотлар тавсия этилган. Материалнинг шу таҳлитда жойлаштирилиши ҳар бир синф адабиёт дастури ва дарслигининг ўқувчиларга кўп томонлама билим беришга имкон туғдирувчи яхлит композицияга эга бўлишини таъминлайди.

Мактабларда шу пайтгача амал қилиб келинган дастурларнинг аксариятида 5-8-синфлар учун ўзбек адабиётига нисбатан рус ёки бошқа қардош халқлар адабиёти асарлари кўпроқ тавсия этиб келинган экан. Янги лойиҳада эса ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг энг нодир намуналарига асосий ўрин берилган.

Адабиётдан имкон борича бой билим беришга интилиб, муаллифлар илгариги программалардан фарқли ҳолда янги дастурда ниҳоятда кўп адиб ижодини ёки асарини қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Хусусан, мазкур дастурга ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш соҳасида илк бор Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Рабғузий, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Сайфи Саройи, Паҳлавон Маҳмуд, Саккокий, Атойи, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Муҳаммад Солиҳ, Убайдий, Хожа, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Увайсий, Алмаий, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов каби ёзувчилар ижоди бўйича мавзулар тавсия этилган. Бу тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, ўқувчиларимизнинг адабиётдан тор ва чегараланган билим олишини тугатишга йўл очади.

Дастур лойиҳасини тузишда изчил амал қилинган илмий принциплардан яна бирининг моҳияти шундаки, мазкур программада илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, янгиликлари ҳисобга олинган. Худди шу принципдан келиб чиқиб, дастурга адабиёт дарсларида тасаввуф ҳақидаги энг кейинги қарашларнинг моҳиятини ва Навоий ижодига таъсирини тушунтириш юзасидан кўрсатмалар киритилган. Шунингдек, 8-синф дастурига фан оламида яқиндагина топилган Сидқий Хондайлиқийнинг «Русия инқилоби» достонидан «Вазирларнинг қамалуви» номли парча киритилган.

Дастур лойиҳасида ҳозирги давр ижтимоий ҳаётидаги шиддатли ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда сўз санъатида ва адабиётшуносликда юз берган кескин бурилишлар эътиборга олинган.

Ниҳоят, лойиҳада адабиёт дарслари учун муайян ёзувчи ижодини ёки асарини тавсия этишда улар орасидан имкон борича бадиий мукаммалини танлаш принципига амал қилинган. Натижада дастурда бадиий асарларнинг ва умуман адабиётнинг моҳиятига чуқурроқ кириш, уларнинг табиатида яширинган гўзалликни, жозибани ва мазмунни тўлиқроқ ёритиш томон йўл очилган.

Аввал барча синфлардаги дастурларнинг қардош халқлар ва чет эл адабиёти бўлимига оид фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ кўринади. Мазкур бўлимда деярли барча синфлар дастурида Чингиз Айтматов ижодидан намуналар ва мавзулар тавсия этилган. Чингиз Айтматов ҳозирги жаҳон адабиётининг энг йирик вакилларидан эканлиги шубҳасиз. Лекин бу ҳол ўрта мактабларнинг учта синфида унинг ижодини ўтишни мажбурий қилиб қўймаса керак? Ч. Айтматов ижодини 5-8-синфларнинг бирида ва 11-синфда ўтилса етарли бўлар.

5-синфнинг қардош халқлар ва чет эл адабиёти бўлимида Эрнест Сетон Томпсоннинг «Еввойи йўрға», «Қизилбўйин» сингари асарлари тавсия этилган. Ахир Томпсон ижоди дорилфунунларимизнинг ўзбек филологияси факультетларидаги «Чет эллар адабиёти тарихи» курсларида ўтилмайди-ю,ўрта мактаб программасига киритиладими?

Мазкур бўлимларда ғоятда ҳақли равишда шарқнинг энг йирик ёзувчилари ижоди қамраб олингани ҳолда жаҳон адабиётининг Гомер, Шекспир, Гёте, Бальзак сингари буюк намояндалари асарлари эътибордан четда қолдирилган. Шунингдек, Қуръонга тегишли маълумотларни 9-синф дастурининг ўзбек классик адабиётига оид қисмида эмас, чет эл адабиёти бўлимида бериш тўғри бўлади. Қуръон асрлар давомида халқимизга ёд бўлиб кетган бўлса-да, чет элда, яъни араб тилида яратилган адабиёт намунаси ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

С. Айний номидаги Самарқанд ўқитувчилар олийгоҳи қошида ташкил топган икки ойлик малака ошириш курслари юқори натижалар бермоқда. Ушбу курсларда ҳар йили 520 нафар мактаб раҳбарлари ўз малакаларини оширадилар.

Суратда: курс тингловчилари синовдан ўтмоқдалар.

У. ҚУШВОҚОВ суратлари.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Савдо-сотиқ ривожланган сари пул муомаласи бирмунча кенгайди, танга зарб қилиш иши Искандар Зулқарнайн даврида анча ривожланди. У олтин тангалар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охири ва III асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеалар Эллада монархияси ижтимоий-сиёсий ташкилотининг янги шакли вужудга келишига сабаб бўлди. Эллада монархияси Шарқ деспотияси — доимий армия ва марказий маъмуриятга эга бўлган подшолик ҳокимияти шакли белгиларини полис тузилиши белгилари билан бирга қўшди. Полис тузилиши шаҳарлардан ва уларга қўшиб берилган қишлоқ жойлардан иборат бўлиб, ички ўзини ўзи бошқариш идораларини сақлаб қолган бўлса ҳам, кўп жиҳатдан подшога бўйсунар эди. Полисга қўшиб берилган ерларнинг ҳажми подшога боғлиқ эди. Кўп ҳолларда полисларнинг ўзўзини бошқариш идоралари фаолияти подшо амалдорлари томонидан назорат қилинарди. Ташқи сиёсий мустақиллик бўлмагани билан турмушнинг хавфсизлиги таъминланар, ижтимоий барқарорлик йўлга қўйилар ва давлатнинг бошқа қисмлари билан мустаҳкам иқтисодий алоқа қилиб турилар эди. Шаҳар аҳолиси подшо ҳокимиятининг муҳим таянчи бўлиб, армия ва амалдорлар асосан шаҳар аҳолиси ҳисобидан тўлдириб турилар эди.

(Х) деспотия юнонча сўз бўлиб, чекланмаган ҳокимият маъносини билдиради. Қадимий шарқ давлатлари ижтимоий ишларни, аввало, ерларга сув чиқариш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил этувчи деспотга (ҳукмдорга) муҳтож эдилар, бу объектив зарурат эди.

Эллада давлатида мулкчилик муносабатлари ҳам ўзгарди. Полис ҳудудида ер муносабатлари одатдаги шаклда таркиб топди. Бироқ чигаллик шундан иборат эдики, шаҳарлар ихтиёрига маҳаллий қишлоқлар жойлашган ерлар ҳам бериб қўйилар, уларнинг аҳолиси эса полис фуқаролари бўлмас эди, аммо шаҳарга ёки подшодан шу ерларни олган хусусий кишиларга ўлпон тўлаб, ўз ерларига эгалик қилаверар эди. Шаҳарлар ихтиёрига берилмаган ҳудуддаги бутун ер подшонинг мулки ҳисобланарди.

Классик қуллик билан бир қаторда қулликнинг энг ибтидоий шакллари: қарздорлик, ўзини ўзи сотиш ва шу каби шакллари ҳам сақланиб қолган эди. Эллада шаҳарларидаги қул меҳнатининг ўрни Юнонистон полисларидагидан кам бўлмаса ҳам, бироқ қишлоқ хўжалиги соҳасида қулларнинг меҳнати маҳаллий эркин аҳолининг меҳнатини сиқиб чиқара олмади.

Эллада цивилизациясининг маданияти маҳаллий барқарор анъаналарнинг юнонлар ва бошқа халқлардан чиққан истилочилар ҳамда кўчманчилар маданиятининг бирга қўшилишидан иборат эди.

Аммо у яхлит маданият эди, унинг барча маҳаллий шаклларига юнонлар маданияти таъсири билан, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг ўхшаш белгилари билан кириб қолган баъзи умумий белгилар хос эди.

Эллинизм маданиятининг ютуқлари ва ёдгорликларини шунчаки санаб чиқишнинг ўзиёқ унинг инсоният тарихидаги сўнмас аҳамиятини кўрсатади. Эллинизм инсониятга илмий билимлар соҳасида ва ихтирочиликда янги кашфиётлар инъом этди. Евклид билан Архимеднинг номларини айтишнинг ўзи кифоя.

Иллатлар ва можаролардан халос бўлган энг яхши ижтимоий тузумни тасвирловчи ижтимоий утопиялар фалсафа доирасида вужудга келди ва ривожланди. Жаҳон санъати саҳифалари Пергамдаги Зевс ибодатхонаси, милослик Венера билан Самофракия Никаси ҳайкаллари Лаакоон ҳайкаллар туркуми каби дурдоналар билан бойиди. Янги тоифага мансуб жамоа бинолари: кутубхона, илмий билимлар туфайли яратилган ишлар ва уларни қўллаш маркази бўлиб хизмат қилган мусейон вужудга келди. Мана шу ва бошқа маданият дурдоналарини кейинчалик Византия салтанати, араблар мерос қилиб олишди, улар умумбашарий маданиятнинг олтин хазинасига қўшилди.

Қадимги Рим цивилизациясининг қадриятлари. Олимлар қадимги Рим цивилизациясининг тарих жараёнидаги ўрнини белгилашда бир фикрга келишгани йўқ. Баъзи олимлар Рим цивилизация сифатида мустақил аҳамиятга эга эмас ва антик даврнинг инқирози тимсоли бўлган деб даъво қилмоқдалар. Бошқаларнинг айтишича, у римлик фуқаролар жамоасининг қадриятлар тизимига асосланган алоҳида маърифат масканидир.

Хўш, бу қадриятларнинг ўзи нима? Одамзод босиб ўтган йўлни тушуниш учун уларнинг аҳамияти қандай бўлиши мумкин?

Аввало, ватанпарварлик, Рим халқини худо ярлақаганлиги ва тақдирнинг ўзи унга тайёрлаб қўйган ғалабалар ҳақидаги тасаввур мана шу қадриятлар тизимини белгилайди. Рим давлати олий қадрият деб ҳисобланган, фуқаронинг бурчи эса ўз жонини ҳам аямай, бутун кучи билан унга хизмат қилишдан иборат бўлган.

Шу қадриятларга муносиб бўлиш учун фуқаро довюрак, матонатли, софдил, садоқатли, қадр-қимматини биладиган, турмуш тарзи мўътадил, урушда темир интизомга ва қонун ҳукмига, тинч даврда эса аждодларнинг урф-одатларига риоя эта оладиган бўлиши керак эди.

Римда қуллик оммалашиб, қадимий замон учун энг юксак ривожланиш даражасига айни шу ерда кўтарилди, бу эса қул билан эркин фуқаро ўртасидаги мафкуранинг қарама-қарши қўйилишига олиб келди. Эркин фуқаро «қулларга хос иллатлар» (ёлғончилик, тилаёғламалик каби) ёки «қулларга хос машғулотлар»да гумонсиралишни ўзи учун уят деб ҳисобларди. Юнонистондан фарқли ўлароқ бу ерда ҳунармандчиликкина эмас, айни вақтда саҳнага чиқиш, пьеса ёзиш, ҳайкалтарошлик ва мусаввирлик иши ҳам қулларга хос машғулотлар жумласига киритилар эди. Фақат сиёсат, уруш, ҳуқуқ масалалари билан шуғулланиш, римликка, айниқса, аслзодага муносиб ишлар деб ҳисобланар эди.

Ҳуқуқ ва нотиқликни маданият шакллари орасида алоҳида ажратиб кўрсатиш керак.

Рим ҳуқуқи бир неча аср мобайнида таркиб топган эди. Унда мулкчилик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган мол-мулк ва бошқа хўжалик муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизими ишлаб чиқилган эди. Шартнома мажбуриятлари ва масъулиятини таъминлаш қоидалари, мол-мулкни мерос қилиб олиш тўғрисидаги жуда мукаммал меъёрлар белгиланган эди. Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқни хусусий, яъни «айрим шахслар» фойдасига масъул бўлган ҳуқуққа ва халқ ҳуқуқига, яъни «Рим давлатининг мулкига» мансуб ҳуқуққа бўлган эдилар. Айни Римда пайдо бўлган ақидага мувофиқ императорнинг ҳоҳиш-иродаси бошқа фуқаролар учун қонун эди. Императорлар ҳукмронлик қилган даврда уларнинг қонун чиқарувчилик фаолияти катта аҳамият касб этди. Императорлар фармонлар, декретлар, рескриптлар ва мандатлар чиқаришар эди. Уларнинг ҳаммаси битта умумий ном билан «конституция» деб аталарди.

Антик цивилизацияларда нотиқлик санъати сиёсий турмушнинг хусусиятларига бевосита боғлиқ тарзда ривожланган эди. Нотиқлик санъатини эгаллаш жамиятдаги обрў-эътиборни мустаҳкамлаш ва сиёсий мувафақиятга эришишнинг энг муҳим ва энг табиий усули эди. Рим нотиқлиги Цицерон сиймосида (эрамиздан аввалги 106-43 йиллар) энг юксак нуқтага кўтарилди. Ундан бизга тўла-тўкис сақланиб қолган 50 тадан кўпроқ нутқ ва нотиқлик назариясига оид асарлар қолган. Цицерон ўз асарларида ҳар томонлама ўқимишли нотиқ, файласуф ва давлат арбоби қандай бўлиши кераклигини тасвирлаган. Цицерон ҳар қандай фаолият соҳасининг ўзига хос вазифалари бор, бутун турмушнинг маънавий маъноси ҳам шу вазифаларни бажаришдан иборат деган фикрни айтган эди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

АДАБИЁТНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Боши (2-бетда).

Лойиҳада муайян бир даврга ёки йўналишга мансуб адабиёт намуналарини маълум даражада қисқартириш ундаги кўлам кенглигини бир мунча чегаралашга имкон туғдириши мумкин. Бунга иқрор бўлмоқ учун ҳар бир синф дастурининг айрим ўринларини таҳлилдан ўтказиб кўриш жоиз туюлади. Жумладан, 5-синф дастурида ўрта мактабларимиз дастурларида илк бор диний адабиёт намуналари, хусусан Аҳмад Яссавий ва Рабғузий асарларидан парчалар тавсия этилади. Мазкур адиблар деярли бир даврда яшаган ва ўша замон диний адабиётининг вакиллари ҳисобланади. Шунга кўра XIII—XIV асрлар диний адабиётининг моҳияти, хусусиятлари ҳақида тасаввур туғдирмоқ учун улардан бирининг ижоди, аниқроғи, Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» асари етарли бўлади. Худди шунингдек, 6-синф дастурида XVI аср ўзбек адабиётининг кўп намуналари орасида Муҳаммад Солиҳ ва Убайдий ижодидан парчалар ҳавола қилинган. Ўша давр адабиёти манзараси лавҳаларини гавдалантириш учун ҳам улардан бирининг асарлари етарлидек туюлади. Дарвоқе, Убайдий ижоди ҳам дорилфунунларимизнинг ўзбек филологияси факультетларида монографик планда ўқитилмайди. Ўрта мактаб дастури дорилфунун программасидан кенгайиб кетиши ҳар ҳолда ижобий ҳодиса бўлмаса керак. 6-синф дастурига Дилшоди Барно асарлари киритилганлиги ҳам унинг дорилфунун программасидан кўламлироқ бўлиб кетишига олиб келган.

9-синф дастурида ўзбек адабиёти тарихини бир мунча илмий талқин этиш бошланади. Унинг дастлабки қисмларидаёқ ортиқчаликлар кўзга ташланади. Чунончи, энг қадимги туркий ёдномалардан бу синф дастурида «Ирқ битиги», «Таъбирнома», «Алп Эр Тўнга» каби ёдгорликлар тавсия этилган. Ахир улардан биттаси ҳам ўша ёдгорликларнинг асосий хусусиятларини илғаб олиш учун етарли бўлади-ку? Мазкур ёдномалардан сўнг дастурда VIII-XII асрлар адабиётига ўтилади ва унинг дастлабки намуналари сифатида араб тилидаги адабиётлар ҳаддан ортиқ даражада кўп ҳавола қилинади. Улар орасида «Қуръон», «Йатимат ад-даҳр» ва имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» асарларига кенг ўрин берилган. Эски ўзбек тилида ёзилган классик адабиётимиз намуналарини ҳозирги ўқувчиларга тушунтириш амри маҳол бўлгани ҳолда араб тилида битилган юқоридаги асарларни уларнинг онгига қандай сингдириб бўларкин? Агар мазкур асарларнинг бўлганлиги ҳақидагина маълумот бериш зарур ҳисобланса, уларни ўша давр адабиётига оид обзор қисмда характерлаб ўтишнинг ўзи билан чекланиш мумкин. Худди шунингдек, мазкур давр дидактик адабиётига оид обзорда Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларига умумий тавсиф-таъриф бериб, кенг кўламда ўрганиш учун икки асардан бирини, аниқроғи, «Қутадғу билиг»ни тавсия этиш етарли бўлади.

9-синф дастурида ўзбек адабиёти тарихини янгича даврлаштириш тақдим этилган. Шунга кўра мазкур тарихнинг иккинчи босқичи сифатида XIII—XIV асрлар кўрсатилган ва шу даврга Рабғузий, Паҳлавон Маҳмуд, Сайфи Саройи, Хоразмий каби адиблар ижоди киритилган. Атойи, Саккокий, Лутфий каби шоирлар ижоди эса навбатдаги босқичга, яъни XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётига мансуб қилиб қўйилган. Мазкур даврларни шу тахлитда ажратиш тарихий ва илмий жиҳатдан унча тўғри эмасдек туюлади. Хусусан, Рабғузий билан Хоразмий, Сайфи Саройилар ижодини бир босқичга киритиш етарлича асосланмагандек туюлади. XIV аср бошларида яратилган «Қисаси Рабғузий» юқоридаги шоирлар ижодидан кўра Аҳмад Яссавийлар даври адабиётига яқинроқдек кўринади. Иккинчидан, Хоразмий ва Сайфи Саройилар Рабғузийга нисбатан бошқа шароитда, яъни Темур тахтга чиққандан кейинги даврда ижод қилганлар ҳамда уларнинг асарларида Атойи, Саккокий, Лутфий сингари шоирлар ижоди билан муштаракликлар анчагина учрайди. Темур ҳукмронлиги даврида маданиятимиз ва, хусусан, адабиётимиз тарихида янги босқич, яъни равнақ даври бошланганлиги аниқ ҳақиқатдир. Шунга кўра 9-синф дастурида илгарилари дунёвий адабиётнинг биринчи босқичи деб юритиб келинган даврни яхлит ҳолда, яъни XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиёти тарзида таҳлил этиш ўринлироқ туюлади. Мазкур даврга мансуб юқоридаги шоирлардан барчасининг ижодини ҳам алоҳида-алоҳида, монографик планда ўтиш шарт бўлмаса керак. Бу даврнинг адабиётининг моҳиятини тасаввур қилмоқ учун улардан биттаси, яъни шоир Лутфий ижоди етарлидек, назаримда. Дастурда Лутфий ижоди юзасидан берилган кўрсатмаларни ўқир эканмиз, «Гул ва Наврўз» достони қаерга кетди экан?» — деб ўйлаб қоламиз. Агар достон ўзга шоирники бўлса, дастурнинг бошқа бирон ерида унга дуч келишимиз зарур эди. Афсуски, «Гул ва Наврўз» достони тилга ҳам олинмаган. Мумтоз ўзбек адабиёти манзарасини мазкур достонсиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку!

Шунга ўхшаш ҳолга 10-синф дастурининг XVII ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётига бағишланган бўлимда ҳам дуч келамиз. Унда нима учундир мактабларимизда узоқ вақтлардан бери ўрганиб келинаётган Гулханий ва Махмур ижоди бутунлай четлаб ўтилган. Гулханийнинг «Зарбулмасал»и ўзбек адабиёти тарихида деярли учрамайдиган оригинал асар эканлиги фанимизда жуда яхши исботланган. Шунга кўра, бу асар дастурга киритилмаса, ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти тарихи ҳақидаги тасаввури анча кемтик бўлиб қолади.

11-синф дастурида адабиётшунослигимизда биринчи марта XX аср ўзбек адабиёти тарихи яхлит ҳолда қамраб олинган ва ўз ичида асосли равишда беш босқичга бўлинган. Тавсия этилган асарларнинг бадиий қийматига кўра бу синф дастурига киритилган айрим ижодий портретлардан ҳам воз кечиш мумкин туюлади. Чунончи, бу бўлимнинг кириш қисмида, яъни обзорда Беҳбудий, Абдулла Авлоний ижоди ҳақида умумий маълумот бериш тавсия этилади. Кейин эса уларнинг алоҳида-алоҳида адабий портретларини ўрганиш юзасидан кўрсатма берилади. Бизнингча, обзордаги маълумот етарли бўлади, чунки юқоридаги адиблар асарларининг бадиий қийматини ғоятда юксак деб баҳолаш қийин.

Бизнинг таклифларимиз эътиборга олинса, дастур анча ихчамлашади ва шунга кўра адабиёт дарслари учун ажратилган соатлар тақсимотини қайтадан кўриб чиқиш зарур бўлади. Бунда ғоявий-бадиий жиҳатдан энг юксак асарлар таҳлили ва ёзма ишлар учун кўпроқ соат ажратилса, ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш имкониятлари анча кенгайган бўлур эди.

Санжар СОДИҚ,
Тошкент давлат дорилфунуни доценти.

Тарбиячи—92

Ҳамма иш қўлидан келадиган сеҳргарлар

Яқинда Республика қўғирчоқ театри ўзининг афсонавий эшикларини «Тарбиячи —92» танловига тўпланган Фрунзе районидаги болалар боғчалари тарбиячиларига кенг очиб қўйди.

Якунловчи беллашувда саккиз киши қатнашди. Улар ўз «ташриф қоғозлари»ни шеър ва қўшиқларда баён этишди. Эртак қаҳрамонлари кийимларидаги мураббиялар ўзларининг юксак касб-маҳоратларини, билимдонликларини намойиш этишди.

Танловнинг «Мен — эртак қаҳрамониман» деган кейинги топшириғи ҳам жуда қизиқарли ўтди. 358-болалар боғчаси тарбиячиси Марина Владимировна Хасьян ўз хаёлот оламининг бойлигини кўрсатди, 12-болалар боғчаси тарбиячиси Екатерина Александровна Климова ўз қаҳрамони характерини моҳирона акс эттирди, 420-болалар боғчаси тарбиячиси Шоира Муҳамедовна Мўминова эртаги эса оддий эмас, балки сеҳрли эди. «Ўз жонажон ўлкамни севаман» ва «Қизиқишларинг олами» мавзуидаги топшириқлар ҳам осон эмасди.

Залда иштирок этганларнинг аксарияти тўрт боланинг онаси Екатерина Александровна Климова санъатига мафтун бўлиб қолишди. У қўшиқ айтишни ҳам, рақсга тушишни ҳам ўрнига қўйди. Тарбиячи икэбана билан ҳам шуғулланади. У ўзи ишлайдиган жамоа ходимларининг меҳри, ҳурмат-эътиборини ҳам қозонган.

125-болалар боғчаси тарбиячиси Римма Райимовна Фазлиева малака ва вазифаларни ўстиришни аниқлаш учун турли тестларни тўплаган.

Шунингдек, у кўргазмали қуроллар ҳам тайёрлаган.

Моҳирлар қанчадан-қанча пишириқлар тайёрлаб келишган. 4-болалар боғчаси тарбиячиси Любовь Александровна Матвеева ўзи тайёрлаган оғизда эриб кетадиган таомлар пишириш йўлларини ҳам тавсия этди. Ҳакамлар унинг ижросидаги лапарларнинг замонавийлигини таъкидлади.

Ниҳоят, танловга якун ясалди. Е. А. Климовага биринчи ўрин насиб этди. Ш. М. Мўминова ҳамда И. В. Улибина (8-болалар боғчаси) 2-ўринни бўлишиб олишди, Р. Р. Фазлиева учинчи ўринни эгаллади.

Суратда: Фрунзе районидаги 12-болалар боғчаси тарбиячиси, танлов ғолиби Е. А. Климова.

А. АНИЧКИН олган сурат.

Нафосат бўстони

АЙТИЛМАГАН ҚЎШИҚЛАР КЎП...

Салоҳиддиннинг қўшиқларига ҳам ўзига хос тўсиқлар бўлди. Гоҳ куйини тан олишмади, гоҳ куйлаётган қўшиқ матнини... Бор-эй, деди-да, саҳналардан ҳам, радио-телевиденедан ҳам тушди-кетди у! Лекин бундан кўнгли таскин топмади. Ора-чора тўю ҳашамларга бориб қолганида, уни танишарди одамлар. Катта шаҳар кўчаларида ҳам имо билан кўрсатишарди. Одамлар унутмабдими, у айтган қўшиқларга озми-кўпми эътиборини беришган эканми, демак, шунинг ўзи катта бахт. Баъзида ҳайрон ҳам қоларди, кеча чиққан «қўшиқчи»ларнинг бугун «хизмат кўрсатган» бўлиб қолганига. «Дилхирож» билан «Сийнахирож» ашуласининг фарқига бормайдиганлар бўлса-да, улар орасида «халқ артистлари» ҳам йўқ эмас эди. Одамнинг ғаши келаркан, дейди у, саккиз-тўққиз ойда унвонли бўлганларни кўриб. Расулқори Мамадалиевлару Орифхон Хотамовларга халқнинг ўзи бермаганми унвонни! Хоҳ қўшиқчи бўлсин, раққосу рассом, барча унвонларни олиб ташласак, ижодкорнинг ишлаш жойию лавозимини ҳам эътиборга олмасак-да, ижросига баҳони берсак. Бу борада халқ артистию халқда қанчалик хизмат кўрсатганларни одамларнинг ўзлари саралаб олишармиди?..

Ижод йўлига тушганлар ҳамиша «катта дард билан яшайдилар. Бу — ўз орзумандлиғидан қочиб қутила олмаслик, кўнглида ғивирлаган туйғуларни оламга ёймасликдан илож йўқлиги. Ҳаш-паш дегунча орадан ўн йил ҳам ўтиб кетибди. Қачонгача бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдириб юради у? Сен ҳеч кимни севмасанг, сени ҳам ҳеч ким севмайди-ку, ахир! У эса ҳаммани — устозларию тенгдошларини, энди кўзга ташланаётган хонандаю созандаларни севади. Уларни ҳавас билан тинглайди. Кўнглидан берилиб, ижросига ижодий ёндашиб кузатади... Шунинг учун бўлса керак, Салоҳиддинни билганлар нафақат қўшиқчи сифатида, балки моҳир созанда деб ҳам унга ҳавас қилишади. Чунки у торни сайратиб чалади. Рубобни куйлатиб... Чунки у халқ севган санъаткор Неъматжон Қулабдуллаев, иқтидорли бастакор Қаҳрамон Комиловлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради.

Севганим сиз, соғ бўлинг, эркам,
Билсангиз ҳам, билмасангиз ҳам.
Гул ҳаётим сиз билан кўркам,
Билсангиз ҳам, билмасангиз ҳам...

Қўшиқни қайларда ва қачон айтади қўшиқчи? Албатта, тўю ҳашамда. Хурсандчиликда. Шунинг учун уларнинг нияти ҳамиша яхши: «Тўйларингизда хизмат қилай!» Салоҳиддин одамлар орасида юрар экан, уларнинг юриш-туриши, дид ва савияси ҳақида кўп ўйлайди. Ҳатто Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ҳам бежиз айтгани йўқ: — Тўйларда бўлганимда, ўсмир йигитчаларнинг ўзини тутишию гап-сўзларини кўриб, «Наҳотки шулар учун қиз ўстираётган бўлсам?» деб афсусланиб кетаман. Нега йигитчаларимиз бу қадар майдалашиб кетишди? Ясан-тусанга берилишди, тор доирада ўйлайдиган бўлишди?..

Салоҳиддин яшашдан мақсади нима эканлигини ҳам тузукроқ ўйлаб кўрмаган ёшларга, тенгдошу танишларига айтадиган гапи битта: — Биз маданиятли бўлмоғимиз керак. Ўз-ўзимизни азоблаб бўлса-да, қийналиб бўлса-да, инсонийликка тайёрланишимиз шарт. Буни бировдан ўрганмоқлик, панду насиҳатлардан кутмоқлик ҳам мумкин. Аммо ҳар бир инсоннинг ўзида бўлмоғи керак бу хислатлар. Бу борадаги йўлчи юлдузларимиз эса — мураббийларимиздир. Ҳамиша киши назарида турадиган санъаткорларимизу раҳбарларимиздир...

Унинг қўшиқлари шу кунларда тез-тез радио тўлқинлари орқали янграмоқда. Бундан ўн, ўн беш йил олдин айтган, аллақачон муҳлисларининг дилини топган қўшиқларини энди ўчмас ленталарга ёздирмоқда.

Тонглар отар, кунлар ботади,
Йиллар ўтар, ўтмас муҳаббат,
Дунёдаги энг шаън қўшиқлар
Ишқ шаънига айтилган фақат...

Оламингизга оқиб кираётган дилбар қўшиқ муҳаббатнинг абадийлигини, ишқли юракларда ҳаётга ташналик беқиёслигини баён қилмоқда. Эшитяпсизми, майин ёққан ёз ёмғири каби эркаловчи овозу баҳор кунларининг ифорлари мисоли сарҳуш таратиб куйланаётган қўшиқни? Унинг куйини ҳам, умуман олганда, ўзи куйлаган барча қўшиқларининг мусиқасини Салоҳиддиннинг ўзи ёзади. У Тошкентдаги 41-мактабда ўқиб юрганида ҳам, кейинчалик Ҳамза номли мусиқий билим юртида таҳсил олганида ҳам, дилбар наволарга ҳамроҳ яшади. Ҳеч қачон қаримайдиган, келиб кетар ҳар бир юракдан аримайдиган азалий ва абадий муҳаббат қўшиқларини куйлашни орзулади. Озми-кўпми бунга эришди ҳам.

Ақлимни айлагай ром, эй ёр, чиройинг,
Дилга илҳом, кўзга ором, эй ёр, чиройинг.
Яхшиямки кўнгил бердинг, бахтиёрман чунон,
Қалбга ғулув солар мудом, эй ёр, чиройинг...

Ёр чиройи ҳақида қайси шоир ёзмаган? Бир-бирига ғал бермай бу ҳақда ҳар қанча мақтанишга қодир эмасми ошиқлар! Аммо Салоҳиддин куйлаган «ёр чиройи» эса унинг тингловчисини маст қилгудек оҳанги билан ўзига ўзгача жалб этади. Муҳаббат ҳам олов. Унинг гуриллаб ёниб туриши учун ҳамишалик қалов керак, деганларидек, мухлисларини мафтун этмоғи учун санъаткор бетакрор изланишу интилишлардан толмаслиги шарт.

Салоҳиддин торини берилиб чалади. Оҳангларда қамишни най қилиб, Искандарнинг шоҳи борлигини оламга ёйиб юборган подачининг дарду қувончлари бор. Севги васфининг баёнида бу фаслнинг васлу фироқларини туймоғи бор куйловчи юракнинг... Эшитганларни орзу хаёлларига шерик қилади у. Тўкилиб тинглайсиз. Кўзларингиз ёниб, ўзингиз созанданинг фикру қарашмаларига боғланиб кетганингизни сезмай ҳам қоласиз баъзида. Камолиддин, Жалолиддин ва Лайлоларнинг меҳрибон отаси, Зуҳрохонга вафодор ёр — Салоҳиддин мураббий меҳнатини қадрлайдиган хонанда. Чунки турмуш ўртоғи — ўрта мактаб муаллими бўлса, ўзи ўзбек хореография билим юртида ўқитувчи-созанда бўлиб ишламоқда.

Одам болалигиданоқ яхшилигу янгиликка интилиб яшаса, унинг умиди яхши бўлса — нияти йўлдоши бўлади, дейишади. Салоҳиддин ҳали ёш. Аммо айтаётган қўшиқлари билан аллақачоноқ кўнгилларни ром эта олган қўшиқчи. Унинг «Замира», «Ёр, ўн саккиз ёшида», «Олтин созим, муҳаббат», «Нигорим келур», «Зебони кўрдим» каби қўшиқлари яна эфир орқали таралиб, мухлислар қалбини қайтадан ром эта бошлади.

«Арзимни айтай бодисабога,
Еткур саломим гулгунқабога...»,

деб куйлайди у умидвор дунёнинг умидбахш кунлари ҳақида даги қўшиқни. Дилни ўртагувчи сатрлар қалбингизга оқар экан, ишларингиздан унум, бесаранжом кунларингиздан қўним топгандек бўласиз. Сабаби: сиз — ҳаётсиз. Феруза осмонни кўришга, ҳаёллар суришга ҳаққингиз бор. Олдинда орзу қиладиган кунларингиз бисёр... Эртанги кунидан умид қиладигانларнинг келажаги муқаррар эканлигини баён қилади бу қўшиқлар. Улар орасида муҳаббатнинг завқ-шавқи, бевақт ташрифию бемавруд фироғидан сўйлагувчилари ҳам талайгина. Салоҳиддин 1980 йилни, Москвада ўтказилган жаҳон олимпиадасининг ўзбек санъаткорлари сафида иштирокчиси бўлган дамларни фахрланиб эслайди. Дунё спортчиларига афғон, ҳинд ва турк қўшиқларини ҳам ўз она тилида айтгани каби меҳр билан куйлаганидан ва уни турли халқ вакиллари қулоқ солиб тинглаганларидан қувонади. Йиллар ўтиб яна янги қўшиққа қайтарган туйғулари ҳам шундандир аслида. Ўша йиллари ёшлар агитпоездида жумҳурият далаларини кезганди. Шаҳар ва қишлоқларда бўлганди. «Ранжитур», «Жонона ёр» каби қўшиқларига тез орада жўр овозлар қўшилганди. Қаранг, йиллар ўтиб ҳамки, ўша қўшиқлари гарчанд катта саройларда янграмаса-да, аниқроғи, қўшиқ ижодкори саҳнага чиқмай қўйса-да, барибир, у кўриниши билан муҳлислар энди унинг шу қўшиқларини сўрашяпти... Салоҳиддин бир ҳақиқатни — тушкунликка тушмай яшаш ҳақиқатини туйди. Яхши кунлар келишини кутиш кераклигини билди. Орзу ва мақсадлари сари интилмоқликдан руҳан толмасликни сезди.

Айтишларича, минг кишидан фақат бир ёки икки кишигина мусиқага лоқайд бўлар экан. Буни тиниб-тинчимас одамлар аниқ далиллар билан исбот ҳам қилишди: чақалоқларни бир жойга жамладилар. Бари йиғлар, бири-бирини ўзининг чинқириғи билан йиғлатмоққа ундар ҳам эди. Шу пайт навбат машшоқларга берилди. Бир меъёрда куй таралди. Дам олдирувчи, мурғак юракларни тинчлантирувчи куй... Болалар эса бирин-кетин йиғидан тўхтадилар. Бўладиган боланинг бошидан маълум эканлиги шу бўлса керак-да!..

Салоҳиддин шу кунларда севимли шоиримиз Чустий домла ижодига ижодий ёндашган. Унинг йигирмадан ортиқ ғазалларига куй басталаган. Уларни маромига етказиб, қўшиқ мухлислари ҳукмига ҳавола этиш тараддудида. «Чун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним»...

Танбур жўрлигида куйланаётган қўшиқ беихтиёр сезгир торттиради. Оламда ҳижроннинг, аламу ташвишларнинг ҳам бот-бот ҳукмрон эканлигидан воқиф қилади. Тиниқ овоз, унга монанд соз ўз ҳавотирликларига шерик қилиб қўяди сизни. Сўнг унга уланган қўшиқ кўнглингиз ингроқларини даф қилади:

Боғлар атирга тўлди
Икки чилвир сочингдан.
Қалбим безовта бўлди
Икки камон қошингдан.
Билмам орзу-ҳаёлинг,
Қандай ўй бор бошингда,
Ёр, ўн саккиз ёшингда...

Эркаланиб айтади у қўшиқни. Тингловчини эркалатиб! Боғлар ифорга тўлсин, муаттар ислари файзли ёзларию тўкин-сочин кузларига улансин.

Зеро, қўшиқчининг нияти ҳамиша яхши: «Тўйларингизда хизмат қилай!..»

Салоҳиддинга ҳам нияти, эзгу мақсадлари ҳамроҳ бўлсин, дер эканмиз, ҳали унинг айтганидан айтмаган қўшиқлари кўп эканлигини таъкидлагимиз келди. Бу — янгиланаётган ОЛАМ, феъли кенгу бардоши тоғдек бўлиб яхшиланаётган ОДАМ ҳақидаги, поёни йўқ дунёнинг мафтункору жилвакорлиги тўғрисидаги беадоқ қўшиқлардир.

Умида АБДУАЗИМОВА.

Оила даврасида

БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Фарзанд туғилганда тўғри ёки эгри, нодон ё доно бўлиб туғилмайди. Абай айтганидек, «Туғилганда одам боласи бари бирдек»дир. Ота-она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, уни қўлидан келганча жамиятимизнинг баркамол кишиси бўлиб етишишига ҳаракат қилади.

Оилада ҳам фарзандлар хилма-хил, ҳар хил муҳитда камол топади. Уларнинг бири яхши ўқиса, бири ёмон ўқийди. Бири айтилган топшириқни бажарса, бири ўжарлик қилиб бажармайди, интизомсизлик қилади. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, нима сабабдан шундай?

Бола мактаб остонасига қадам қўйган кунидан бошлаб мактабдан талаб қилинадиган қоидага риоя этмаса, ёмон ўқиса, юриш-туришида одобсизлик белгилари сезилса, бу ҳолат оила аъзоларининг унга тарбиявий таъсир кўрсатмаганлигини билдиради.

Албатта, бола дастлаб оилада, ота-она қўлида тарбия олади. Унинг дунёқараши оила муҳитида шаклланади. Бола оилада нимага ўрганса, мактабда ҳам, жамоат орасида ҳам шуни такрорлашга ҳаракат қилади.

Афсуски, баъзи ота-оналар оилаларда кичик ёшдаги ўқувчилар олдида тилга олиб бўлмайдиган сўзларни айтишади. Оқибатда болалар ҳам катталардек ҳаракат қилишга, қўпол сўзларни айтишга одатланиб қолишади.

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари орасидан тўполончи, катталарга ҳурматсизлик билан қарайдиган ёшлар кўпайиб қолди. Бунинг асосий айбдори ким? Албатта, ўзимиз.

Баъзи ота-оналар ёшларнинг ножўя ҳаракатларини кўриб, ҳозирги замоннинг ёшлари, деб мийиғида кулиб қўйишади. Хўш, замонга нима қилибди?

Энг муҳими, болалар ота-она назоратидан четда қолаяпти. Шу туфайли ёшларнинг кўпчилиги кечаси тўйларга боришади. Айниқса, видеозалларда мактаб ўқувчилари ҳам учрайди. Турли хил беҳаё фильмларни томоша қилаётган ёшларнинг ахлоқи бузилиб кетмаслигига ким кафолат бера олади?

Кўп ҳолларда ота-оналар айбни мактаб жамоасига ағдаришади. Ўқитувчилар ўқув-тарбия жараёнида ҳар хил тоифадаги ота-оналар билан учрашиши, суҳбатлашишига тўғри келади. Баъзи ота-оналар уялмай-нетмай: «Менинг бурчим болани кийинтириш, уни тўйдириш. Ўқитиш, тарбиялаш эса мактабнинг вазифаси», — дейишади. Бизнингча, бундай фикрлар, қарашлар фарзанди келажагини, жамиятимиз учун керакли бўлган касб эгаси бўлиб етишишини ўйламайдиган, тушунчаси тор ота-оналардан келиб чиқади. Айнан шундай ота-оналар йўл ҳаракати қоидаларини билмайдиган фарзандларига велосипед, мотоцикл, енгил машина бошқариш учун, гувоҳномаси бўлмаса-да, бошқаришга рухсат этишади. Доно халқимиз «кўза кунда синмайди, кунида синади», деб бежиз айтмаган. Шундай фарзандлари тарбиясига эътибор бермайдиган ота-оналарнинг айби билан эркатойлари бошқа кишиларнинг ўринсиз озодликдан маҳрум этилишига олиб келмоқда. Шунинг учун мен педагог сифатида бошқариш гувоҳномаси бўлмаган ҳолда велосипед, мотоцикл, енгил автомашинани бошқариб йўл ҳаракати қоидаларини бузган ўқувчиларнинг ота-оналарига нисбатан чора кўрилишини таклиф қиламан.

Фарзандларнинг ота-она ўгитига сўзсиз итоат қилиши кўп жиҳатдан уларнинг оиладаги обрўсига ҳам боғлиқдир. Баъзи оилаларда ота-оналар обрўни «сотиб олиш»га уринадилар, бундай обрўни ахлоққа тўғри келмайдиган беандишалик деб аталади.

Ғузор ноҳиясидаги «Бўстон» қишлоқ шўросига қарашли «Авғонбоғ» маҳаллосидаги М. И. Калинин номли 4-ўрта мактабда таълим-тарбия олаётган кўплаб эътиборли ота-оналарнинг болалари одоби, намунали хулқи билан синфдошларига ўрнак бўлишмоқда. Ўқув йили мобайнида «Ота билан она боланинг биринчи мураббийси», «Оилада болаларни тўғри тарбиялаш шартлари» мавзуида шу мактаб ўқитувчилари Назокат Норматова, Жамила Рустамовалар ота-оналарнинг умумий йиғилишида маъруза қилишди. Маъруза юзасидан мактаб директори Хуррам Жалилов, ота-оналардан Исмат Мейлиев, Рустам Ғаниев, Холбиби Примова, Нормурод Жўраевлар сўзга чиқишди. Маҳаллада Эргаш ака Бердиев, Рўяб опа Бердиеваларнинг ўғил-қизлари ибрат қилиб кўрсатилади. Чунки бу оилада ўн бир фарзанд тарбияланди. Улар ҳаётда ўз ўрнини ота-онаси туфайли топди. Шоҳида ҳамшира, Шоира тиббиёт ходими, Мавлуда ҳисобчи, Акром тиббиёт ходими, Шоҳсанам ҳисобчи, Сабоҳат боғча тарбиячиси, Инобат Ҳ. Олимжон номли Қарши педагогика олийгоҳининг талабаси, Анвар, Отабек, Кумуш, Гулбаҳорлар эса мактаб ўқувчиси. Бундай фарзандларни тарбиялаган ота-оналар ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтилса камлик қилади.

Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак. Шунинг учун ҳам бола тарбияси билан мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорликда шуғулланишлари мақсадга мувофиқ.

Ражаб СОЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти Ғузор ноҳиясидаги Калинин номли 4-ўрта мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.

ЭЪТИҚОДЛИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

• Ижтимоий тарбия бўлими почтасидан

Ҳозирги кунда ёшлар тарбияси кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган масалалардан бири бўлиб қолди. Зотан, асрлар бўйи амал қилиб келинган миллий тарбияга, халқ қадриятларига дарз кетди. Октябрь инқилобидан кейин шиорбозликка берилиб кетиб, айтилган сўзга амал қилинмади, эътиқод сусайиб, ёшлар ўртасида келажакка ишонч йўқолди. Шубҳасиз, тарбиянинг бузилишида, жиноятчиликнинг томир отиб кетишида бегона «санъат»нинг таъсири ҳам катта. Телевидение ва кинотеатрларда намойиш этилаётган беҳаё фильмларнинг ёшларга салбий таъсир этаётганлигини ким инкор эта олади.

Сўнгги йилларда жумҳуриятимизда баҳордаги қўзиқориндек кўпайиб кетган видеобарлар жиноятчиликнинг кўпайишига асосий сабаб бўлаётгани тўғрисида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ижтимоий тарбия бўлими почтасига келаётган хат-хабарларда жойларда «Одобнома» дарсларини ўқитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, бу борадаги муаммолар, миллий тарбия, одоб-ахлоқ, мактаб ва ота-оналар жамоатчилиги ҳамкорлиги, ҳуқуқий тарбия ҳақида ҳикоя қилинади.

Қуйида бўлим почтасидаги хатлардан айримларини эълон қилаётирмиз.

●

КУЛГИНИНГ ҲАМ ЎРНИ БОР

Тарки одобдан бири
кулгидурур,
Кулги одоб таркига
белгидурур.

Кулгики ўз ҳаддидин ўлди
йироқ,
Йиғламоқ андинким эрур
яхшироқ.

(А. Навоий).

Дарҳақиқат, кулги одоб белгиси ҳисобланади. У ўз ўрни ва вақтида бўлмас экан, уятда қолиш турган гап. Масалан, совуқ маъракa, жанозага борганда, гаплашиб, ҳиринглашиб ўтириш яхшими? Айримлар бошқаларнинг нутқидаги арзимас нуқсон учун унинг устидан куладилар. Шунинг учун халқимизда: «Бировга кулмагин зинҳор, сенга ҳам кулувчилар бор» деган гап юради.

Тўғри, кулги хушчақчақлик келтиради, лекин унинг ўз вақти бор. Туғилган кунларни нишонлаш, тўй ва байрамларни кулги, қаҳқаҳасиз ўтказиб бўлмайди.

Марҳумнинг жаноза ва бошқа маросимларига борсаг-у, қайсидир беодобнинг беандиша сўзига кулги кўтарсак, одобдан бўлмаса керак.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, инсонларга ҳайвон ва паррандаларнинг номини қўйиб, аския қилиб кулиш ҳам, ҳадисларда айтилганидек, гуноҳдир.

Н. ҲАЙДАРОВ,
Фарғона вилояти Ёзёвон районидаги А. Навоий номли 6-ўрта мактабнинг одобнома фани ўқитувчиси.

ЎҚУВЧИЛАР БАҲСИ

Ульянов ноҳиясидаги 5-ўрта мактабда иккита 10-синф ўқувчиларининг меҳмон кутиш одоби бўйича баҳси бўлиб ўтди.

Баҳсда ўқувчилар томонидан ўзбекларга хос бўлган меҳмон кутиш одоби яққол акс эттирилди.

Беллашувда ҳар иккала синф йигит-қизларининг билимдонлиги ва зукколиги кўзга ташланди.

Ф. РАВШАНОВА.

●

МИЛИЦИЯ ИНСПЕКТОРЛАРИ МАКТАБДА

Улфатбиби қишлоқ Шўросига қарайдиган учта ўрта мактаб бор. Бу мактабларда милиция инспекторлари Меҳриддин Муродов ва Собир Шомуродовлар ўқувчилар билан тез-тез учрашиб туришади. Яқинда участка инспекторлари мазкур мактаб юқори синф ўқувчилари учун жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусида суҳбат ўтказишди.

Учрашувда мактаб педагоглари ва ота-оналар ҳуқуқий тарбия муаммолари ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Ҳ. ҲОЖИЕВА.
Ғиждувон ноҳияси.

●

МАТБУОТ — ТАЯНЧИМ

Мен «Маърифат» рўзномаси билан 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён дўстман. Кейинги пайтларда эса жуда иноқлашдик. «Ҳадислар» «Қобуснома», «Одобинг — обрўйинг» чиқишлари ўқувчилар билан ишлашда ёрдам бераётир.

Ўқувчиларимизнинг «Одобнома» дарсига бўлган қизиқиши жуда яхши. Бу дарсни ўтишда бизга «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Ҳикматнома», «Меҳмоннома», «Мусулмонларнинг урф-одатлари» ва шунга ўхшаш китоблар, журналлардан «Сирли олам», «Ёш куч», «Саодат», «Шарқ юлдузи» ва ҳоказолар ёрдам бераяпти.

Р. ЮСУПОВА,
Тўрткўл шаҳридаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси.

●

Шунингдек таҳририятимизга жиззахлик К. Мирисмонов, фарғоналик Г. Бўриева, тошкентлик С. Исмоилов, сирдарёлик К. Алиев ва бошқалар тарбияга оид хат ва хабарлар йўллашган.

ҲАР ТЎҒРИДА

БЕРН. Швейцария почталар, телефонлар ва телеграфлар бошқармаси ўз молиявий ишларини ўнглаб олишнинг ажойиб бир усулини танлади. 156 рақами билан бошланувчи махсус номерни терган абонент бир-бирини фақат руҳий жиҳатдангина севмайдиган эркаклар ва аёллар нима билан шуғулланаётганликлари хусусида батафсил сўзлаётган аёлнинг ёқимли овозини эшитади. Айни вақтда ҳар ким ўз хоҳишига кўра немис, француз ёки итальян тилини танлаши мумкин.

Ғарбда «телефон орқали муҳаббат изҳор қилиш» кенг тарқалган. Ана шундай телефон суҳбатлари учун банк орқали ёки кредит китобчасига кўра ҳақ тўланади. Швейцария почтачилари эса бундан фарқли ўлароқ ортиқча расмиятчиликка йўл қўймасликка қарор бердилар. Улар одатдаги нархга телефон орқали сўзланган суҳбатнинг ҳар минути учун атиги бир швейцария франки миқдорида ҳақ қўшдилар, бу телефон учун тўланадиган умумий ҳақ миқдорида ҳисобга олинади.

Лекин швейцарияликлар фақат дилрабо суҳбатларни эшитибгина қолмай, айни вақтда нозик суҳбат олиб бориш имкониятларининг борлигини билмаганларида ҳамма вақт ва ҳар нарсадан фойда олиш одатини ўзгартирган бўлур эдилар. Бундай ҳолатда бир минутлик «роҳат-фароғат» учун 2 франк тўлаш зарур. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, ўсмирлари бўлган хонадонларнинг бошлиқлари биринчи навбатда ҳамёнларнига зарба берилганини сезиб қолишди. Корхоналар ва фирмаларнинг эгалари ҳам бошларини ушлаб қолишди. Уларнинг кўпчилиги 156 рақами билан бошланадиган телефонларни муҳосара қилиш тўғрисида почтага аризалар беришди. Тўғри, уларни ходимларнинг маънавий қиёфаси унча безовта қилмайди, лекин фирма ҳисобидан ишдан чалғиш кимга ҳам ёқади.

ОҚ ЙЎЛ, «МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ»

КУЛИБ ТУРГАН ҚУЁШ — БОЛАЛИК ТИМСОЛИ

Инсоннинг маънавияти — онлада, боғчада, мактабда ва, қолаверса, маҳалла ва кўчакўйда унинг оладиган ибрати, тарбия ва таълими жараёнида шаклланади. Шу сабабли ҳам буюк олим Абу Али ибн Синодан бола тарбиясини қачон бошлаш ҳақида сўралганида, у бола туғилган кунидан бу масъулият ота-она ва жамият зиммасига тушишини таъкидлаган эди. Худди шу маънода кейинги йилларда ота-оналар учун, боғча тарбиячилари учун, бевосита болаларнинг ўзи учун илмий-методик, ахлоқий-таълимий, адабий-бадиий безакли ойномага эҳтиёж сезилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Мактабгача тарбия» ойномаси айни шу муддаонинг амалга ошуви бўлди.

Кулиб турган қуёшни — юзи кундай ёруғ болаликни ўзига тимсол қилиб олган «Мактабгача тарбия» ойномасининг биринчи сони босилиб чиқди. Унинг ушбу илк сониёқ ойнома йўналиши, мазмуни, адабий-бадиий изланишлари тўғрисида аниқ таассурот бера олади.

Ойномада чоп этилган илмий-методик руҳдаги мақолалар орасида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг, доцент Фотима Юсуповонинг, наманганлик боғча мудираси Санобар Азимованинг, мусиқа раҳбари Наима Раҳимовонинг, методист Гулчеҳра Саъдуллаеванинг, тарбиячи Ҳавобиби Маманиёз қизининг мақолалари алоҳида ажралиб туради.

«Мактабгача тарбия» ойномаси биринчи одими биланоқ ижтимоий ташкилотчи сифатида майдонга чиққан. «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» эълон қилингани, уч ёшли Темур Ваҳобов хорижда даволаниши учун Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 8297-жамғарма банкида очилган, «Халқ сўзи» газетаси ва «Мактабгача тарбия» ойномаси даъватини қўллаб-қувватлаган кишилар саховати билан барака касб этаётган 28564-ҳисоби шундан далолат беради.

«Мактабгача тарбия» болаларнинг ички дунёсига ота-она, мураббий меҳри билан назар ташлашга ҳаракат қилади. Чунончи, профессор Охунжон Сафаровнинг «Боланинг тили чиқди» илмий мақоласида уч ёшгача бўлган кичкинтойлар лўғат бойлигига даъват қилинади, бугунги кунда ўзбек тили хазинасидан мустаҳкам ўрин олган талай сўзлар кичик ёшдаги болалар томонидан «ясалгани» кўрсатиб ўтилади. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 458-боғчанинг мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари билан суҳбатда дилбандларимизнинг катта руҳий олами мавжудлиги яна бир марта кўзга яққол ташланади.

Кичкинтойларни ахлоқий ва эстетик тарбиялаш зарурати бугунги кунда бутун жамиятимизни амалий ишларга чорламоқда. Худди шу нуқтаи-назардан ойнома ахлоқий ҳамда эстетик тарбияга кенг ўрин ажратгани айни муддаодаги ишдир. Улуғ мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ўзбек тилида илк марта эълон қилинган ҳикматлари, ўзбек халқ болалар қўшиқлари, ўйинлари, «Қумурсқа полвон» эртаги ва бошқа намуналар, «Бармоқлар театруси» мақоласи тарбиячилар, ота-оналар ва болалар учун ҳам бирдек қизиқарли бўла олади.

Ойнома тадқиқотчи сифатида ҳам ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган. Алишер Навоийнинг муҳаммаси, «Қўқон ўт ичида», «Ганжиравон — равон эмас» тарихий қўшиқларининг муштарийларга тақдим этилгани мана шу тадқиқотчилик фаолиятининг самарасидир.

«Мактабгача тарбия» муқовасидаги рангли суратлар ва ички саҳифаларидаги оқ-қора фотолар билан ҳам муштарийларни хурсанд этади.

Фарзанд — оила ва жамиятнинг умиди, келажагидир. Ўз моҳияти билан бола тарбиясига хизмат қилувчи кўп миллатли жумҳуриятимиздаги жами ота-оналарни, тарбиячиларни ва болаларни янада жипслаштирувчи, ҳамма касб кишиларини бирдек қизиқтирадиган — шу маънода яккаю ягона ҳаммабоп журналга оқ йўл тилаймиз.

А. ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари доктори, Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти рус ва чет эл адабиётлари кафедраси мудири.

Навоий вилояти Конимех ноҳиясидаги кашшофлар уйи қошида ташкил этилган бир талай тўгараклар ҳар доим ўқувчилар билан гавжум. Айниқса, тўқувчилик тўгарагидагилар пайпоқ, қўлқоп ва телпакларни иштиёқ билан тўқишмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

ТЕРАКЗОР БЎЛАДИ

— Халқимиз илгарилари фарзанд туғилиши билан 21 туп терак кўчати экишган. Ота-боболаримизнинг авлоддан авлодга ўтиб келган шу каби удумларини кейинги пайтларда унута бошладик. Бу эса қимматга тушди, — дейди Наманган ноҳиясидаги 26-мактаб директори Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов.

— Ота-боболаримизнинг 21 рақамида рамзий маъно борлигини англамадик. Бу дегани — экилган терак 8 йилда 21 та тўсин, шунча сарроп, шунча устун беради. Шунча қурилиш материалидан бемалол бир уй ва даҳлиз солинишига ишора экан.

Абдуқаҳҳор ака бу гапларни бизга бекорга айтмади. Чунки мактаб ҳудудидаги 3 сотих майдонга ўқувчиларнинг кучи билан 50-60 туп терак қаламчалари қадалибди. Келгусида бу тераклар барқ уриб ўсиб қанчадан-қанча эзгу ишларга ярайди.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.
Наманган вилояти.

ҚАТРА ҲАНГОМАЛАР

ҚОҒОЗ УДДАЛАНДИ

99-мактаб жамоаси ўқув йилининг охирги кунида қоғоз тайёрлаш йиллик режасини 200 фоизга уддалади. Бу ишда математика, она тили, рус тили муаллимлари алоҳида ибрат бўлдилар. Улар топширган қоғоз парчалари ичида ўқув йили давомида текширилмаган ёзма иш, айланма дафтарлар, баҳоланмаган кундаликлар бўлганлиги диққатга сазовордир. Муаллимлар жамоаси юқоридаги мутахассис муаллимларнинг кўзига тик боқиб «Раҳмат сизларга!» деб ўз мамнунликларини изҳор этишди.

Эргаш АТОЕВ.
Бухоро вилояти Қизилтепа ноҳияси.

ОЙБЕК НОМЛИ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича қуйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:

(профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди)

— рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасига;
— математика ва математика ўқитиш методикаси кафедрасига;
— машинасозлик кафедрасига;
— химия кафедрасига;
— ботаника ва қишлоқ хўжалик асослари кафедрасига.

ДОЦЕНТЛАР:

— умумий тарих кафедрасига;
— умумий биология кафедрасига.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

— сиёсатшунослик кафедрасига;
— инглиз тили кафедрасига;
— Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасига (3 нафар);
— психология кафедрасига;
— бадиий тарбия кафедрасига;
— бошланғич таълим методикаси кафедрасига (3 нафар);
— кимё кафедрасига (2 нафар);
— ботаника ва қишлоқ хўжалик асослари кафедрасига;
— умумий биология кафедрасига (2 нафар);
— физика кафедрасига;
— математика таҳлили кафедрасига (2 нафар);
— ҳисоблаш техникаси ва ўқитишнинг техник воситалари кафедрасига;
— математика ва математика ўқитиш методикаси кафедрасига (2 нафар);
— тарбиявий ишлар методикаси кафедрасига (2 нафар);
— физика ўқитиш методикаси кафедрасига.

ЎҚИТУВЧИЛАР:

— ўзбек тилшунослиги кафедрасига (2 нафар);
— немис тили кафедрасига (2 нафар);
— инглиз тили кафедрасига;
— умумий тарих кафедрасига;
— Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасига (4 нафар);
— умумий педагогика кафедрасига (3 нафар);
— тарбиявий ишлар методикаси кафедрасига (2 нафар);
— жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедрасига (4 нафар);
— физика кафедрасига (2 нафар);
— машинасозлик кафедрасига;
— жисмоний тарбия кафедрасига.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар Термиз давлат педагогика институтининг илмий котибига юборилсин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 732011, Термиз шаҳри, Фрунзе кўчаси, 43-уй, институт илмий котибига.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Ўзбекистон Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти жамоаси институт ходими Наима Шайҳовага отаси **Ҳусан Баҳрамович ШАЙҲОВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12